

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎТКАЗГАН ИСЛОҲОТЛАРИ

Зиёдулло Исоков

Доценти, т.ф.н.

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср охири XX бошларида Россия империяси ҳукумати томонидан Туркистон қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар ва уларнинг салбий оқибатлари баён қилинади.

***Таянч иборалар:** ислоҳот, табиий ресурс, гилдиракли плуг, малла гўза, десятина, сўзани, калта толали пахта.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлены реформы, проведенные в сфере сельского хозяйства в царской России и их последствия в Туркестане, в период конца XIX - начала XX веков.

***Ключевые слова:** реформа, природные ресурсы, плуг с колесом, десятина, тонковолокнистый хлопок.*

ABSTRACT

The reforms conducted in the field of agriculture in tsar's Russia and their consequence in Turkestan are presented in this article, in the period of end of XIX - XX of centuries began.

***Keywords:** reform, natural resources, plough with a wheel, tithe, yellow cotton plant, fine-fibred cotton.*

КИРИШ

Маълумки Ўрта Осиё дунёнинг деҳқончилик пайдо бўлиб, тараққий этган маданият ўчоқларидан бири хисобланади. Минтақанинг узоқ тарихи давомида бу фаолият тури кишилик жамиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Аҳолининг табиий ресурслар, хусусан сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги тажриба ва усуллари асосида воҳаларда экин майдонлари, боғлар ва қишлоқлардан иборат маданий ландшафтлар бунёд қилинган. Ўрта Осиёда турли даврларда юз берган сиёсий ўзгаришлар деҳқончиликга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Бу каби субъектив таъсирлар ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермаган. Маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари қолаверса табиий иқлим шарт –шароитлари хисобга

олинмай амалга оширилган турли сиёсий ва иқтисодий ислоҳатлар кейинчалик кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Бундай ҳолатни XIX аср охири - XX аср бошлари Россия империяси мустамлакачи ҳукуматининг Туркистон деҳқончилиги соҳасида амалга оширган ислоҳатларида кўриш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XIX аср охириларида келиб мустамлакачи маъмурият Туркистонда ер ва сувдан фойдаланишга оид ўзининг қонун ва қоидаларини ишлаб чиқиб уни амалиётга тадбиқ этиш учун ҳаракат бошлайди. Лекин бу айрим мустамлакачи сиёсатдонлар ўйлаганидай оддий иш эмас эди. Улар бир нарсани ҳисобга олмаётган эдилар. У ҳам бўлса ўз анъанавий деҳқончилик урф-одатлари ва қонунларига эга бўлган қадимий халқни турмуш тарзига ўзларининг манфаатларига мос келувчи тартиботлар асосида жиддий ўзгартириш кирита олмас эдилар. Шу сабаб, Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман вазиятдан келиб чиқиб М.Н.Ростиславов, А.Л.Кун, С.Идаров, Пантусов, А.Ф. Миддендорф, П.И.Хомутов каби шарқ халқлари ҳақида маълумотга эга бўлган олим ва мутахассисларни ўлкага таклиф этади (Савицкий А.П. «Поземельный вопрос в Туркестане». Ташкент. 1963г. С. 4-5.).

Юқоридаги олимларни ҳам ўлканинг ўзига хос бўлган урф-одат ва анъаналари, қадимий маданияти ҳамда қонунчилиги лол қолдирганлиги тарихий маълумотлардан маълум. Чунончи, А.Ф.Миддендорф бу ҳолатга шундай таъриф берган эди: «Аввало биз минг йиллар ичида синалган тажриба ва ютуқларга эга бўлган ерликларга шогирд тушмоғимиз лозим» (Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины СПб 1882. С. 186). Бу ўринда олим ҳақ эди, албатта. Дарҳақиқат Туркистонда ер ва сувдан фойдаланишга оид янги қонун лойиҳаларини яратиш борасида рус олимларининг таклифлари турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади. Бу давр ичида мустамлакачи маъмуриятга генерал Абрамов, сенатор Гирс, ҳамда граф Игнатов етакчилигидаги бир нечта гуруҳлар томонидан турли қонун лойиҳалари тақдим этилган бўлсада (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ср. 1008 (арх.д №43,50).), ушбу лойиҳаларнинг ҳеч бири ўзини тўла оқламади. Тадқиқотчи А.Аминов бу даврдаги мавжуд вазиятга баҳо бериб: «Ўрта Осиёда ер ва сув қонунларини яратиш билан боғлиқ масалалар Россия империясининг иқтисодий сиёсатидаги муҳим муаммоларидан бири бўлди. Қонунлар яратишда эса Россия империяси бутунлай нотўғри йўлдан кетди»- деб таъкидлаган эди (Аминов.А.М. «Экономические развитие средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны)» Ташкент. 1959 г Кн 2. С. 112).

Худди шу даврда келиб яна Россия империяси чиновниклари ўлкада ғалла майдонлари камайтирилиши натижасида озиқ-овқатнинг қимматлашишини ҳисобга олмай, биринчи ғалда Марказий Россиядаги тўқимачилик саноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш мақсадида пахтачиликни ривожлантиришга киришдилар. Буни Россия империясининг чиновниги А.И.Кривойшен тасдиқлаб шундай ёзган эди: “Туркистоннинг ҳар бир ортиқча пуд пахтасининг Америка пахтаси билан рақобат қилиши учун, ўлкага қимматбаҳо бўлса ҳам, четдан ғалла келтириб бериш ва ғалла экиладиган ерларни пахта учун бўшатиш зарур” (Кривошейн А.И. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Спб., 1912. – С. 7.).

Россия Туркистонни босиб олгунга қадар пахта навларидан, асосан, уч хили – Тошкент-Қўқон, Бухоро ва Хива пахта навлари етиштирилди. Булар орасида Хива нави бошқаларга қараганда анча сифатли ҳисобланган. Юқорида номлари келтирилган пахта навларидан ташқари Фарғона водийсида “сўзани” ҳамда “малла ғўза” навлари ҳам етиштирилиб, ушбу пахталар уч чанокли бўлганлиги ва яхши очилмаганлиги учун дастлаб кўраги билан узиб олиниб, сўнгра пахтаси ажратилган. Қалта толали бундай пахталардан маҳаллий ҳунармандлар бўз, олача, қалами ва бошқа шунга ўхшаш тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқаришган.

Туркистонда пахта ҳосилдорлигини кўтаришдан манфаатдор бўлган рус сармоядорлари Ўрта Осиёга Миср, Америка ва бошқа мамлакатлардан пахта уруғи олиб келиб тажриба сифатида экишни бошлайдилар. 1870 йилда “Сеа-Исланд” уруғи экилади. Лекин бу нав ўзини оқламагач, 1879 йилда Америкадан “Упланд” навли пахта уруғи олиб келиб экилади ва у тез орада ҳудуд бўйлаб кенг ёйилди. Бу нав маҳаллий халқлар орасида “Америкони пахта” деб ном олади. Умуман бу даврда Туркистонда пахтанинг янги навларини етиштириш ва ушбу навларни маҳаллий аҳоли орасида тарғиб қилиш бўйича кўплаб ишлар қилинди. Ушбу фаолият эса даврий нашрларда доимий ёритиб борилган (Бу ҳақда қаранг: Бродовский М.Среднеазиатский хлопок, его недостатки и меры к устранению их // ТВ. 1874, № 4; Самолевский В. Сельскохозяйственные заметки // ТВ. 1879, № 2; Ўша муаллиф. Возделывание американского хлопчатника в Туркестанском крае // ТВ. 1888, № 39, 40; Смирнова Е.Т. Заметки о возделывании американского хлопчатника // ТВ. 1891, № 28, 29, 29, 30, 31; Пахтанинг умумий ҳосили // Туркистон вилоятининг газети. 1910, № 4; Туркистонда пахтачилик // Туркистон вилоятининг газети. 1910, № 14;

Ўзанинг янги навлари // Туркистон вилоятининг газети. 1885, № 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.). Ўлкада пахта етиштириш янада кенг кўлам олди ва кўплаб бошоқли экинлар экиладиган, суғориладиган ер майдонларида пахта етиштирила бошлади. Натижада биргина Фарғона водийсининг баъзи бир ҳудудларидаги суғориладиган ерларнинг 60 ва, ҳатто, 80 фоизгача янги пахта нави экила бошлади (Деминов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. – М., 1926.–С. 56. Усманов. И. У. Зарождение капиталистических отношений в сельском хозяйстве Ферганской долины (конец XIX- начале XX вв): Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент. – 1983. с 26). Шу тариқа ўлкада пахтачилик ривожланиб бориб охир оқибат монополия даражасига етди.

Ўша даврда ўтказилган ислохатлардан яна бири бу кўчириш сиёсати эди. Бу сиёсатга кўра империя ғарбидаги минглаб ерсиз рус деҳқонларини Туркистон ҳудудларига кўчириш эди. Уларни унумдор экин майдонлари билан таъминлаш эса маҳаллий деҳқонларнинг ерларини қисқартириш ҳисобидан бўлган эди. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, империянинг ғарбий ҳудудларидан кўчириб келинган рус деҳқонлари, дастлаб суғорма деҳқончилиikka асосланган ўлка деҳқончилигида бир қанча муаммоларга дуч келганлар. Чунки, водийнинг ўзига хос табиий иқлим шароити, асрлар оша маҳаллий деҳқонлар томонидан ўзлаштирилган суғориш усулларининг мавжудлиги бундай муаммоларни вужудга келтириши табиий эди. Аммо вақт ўтган сайин вазият тақозосига кўра рус деҳқонларининг маҳаллий миришкорлардан ўзлаштирган деҳқончилик билимлари уларнинг бу ердаги шарт-шароитларга мослашишини тезлаштирди. Шунингдек, водий деҳқончилигида ҳам секин- асталик билан ғилдиракли плуглар, ерга уруғ қадайдиган, ўғит сочадиган мосламалардан фойдаланила бошланган (Курбатов Н.Ш. Деятельность ферганской агрономической организации в 1913 г. // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – № 4. – С. 260-265). Ўша даврда водий деҳқончилиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг қанчалик ўзгаришларга бой бўлганини маълумотлар ҳам тасдиқлайди (Мирошниченко О. Об орудиях для землянных работ по американскому способу // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – № 2. – С. 140-144).

XIX асрнинг охирига келиб ўлка деҳқончилигида ҳам муҳим трансформацион жараёнлар кузатила бошланди. Бу даврда Туркистон аҳолиси учун нотаниш бўлган помидор, карам, баклажон, булғор қалампири ва бошқа бир қатор янги экин турлари пайдо бўла бошлайди (Балашев Н.Н.

Малороспрастраненные овощные культуры. – Ташкент, 1957. – С. 17-22). Ушбу экин турларини дастлаб, асосан, Россиядан кўчириб келтирилган рус деҳқонлари етиштира бошлайдилар. Юқорида такидлаганимиздек, ўша пайтларда маҳаллий халқлар бу экин турини деярли билишмаган. Айниқса, помидор анча вақтгача маҳаллий халқ томонидан ўзлаштирилмаган, бироқ кейинчалик, ушбу экин турининг Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийсида 13 га яқин тури етиштирила бошлаган (Балашев Н.Н. Картофель и овощные культуры. – Ташкент, 1981. – С. 82-88).

Аста-секинлик билан ўлка деҳқончилигида баклажон, карам, каби янги полиз экинлари оммалаша борди (Барбарин И. Болезнь культурных растений в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1913. – № 4. – С. 287-305). Туркистонда маҳаллий аҳоли томонидан энг тез оммалашган янги экин тури – бу картошка ҳисобланади. XX аср бошларига келиб Ўзбекистоннинг турли худудларида картошканинг 23 дан ортиқ навлари етиштирила бошлади (Балашев Н.Н., Лучинина Е.Г. Вопросы семеноводства картофеля в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 43-48).

Бу даврга келиб мустамлакачи ҳукумат вакиллари ўлкада завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган техникаларни қишлоқ хўжалигига олиб киришга уринган, чунки ҳосилдорликнинг юқори бўлишидан улар ҳам манфаатдор эдилар. Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида Туркистонда қишлоқ хўжалиги асбоб – ускуналари ва уруғчилик омборхоналари ташкил этилган. Шунингдек турли қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш этиладиган кўрғазмалар ташкиллаштирила бошланди (Шодмонова.С.Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Тошкент, 2011. – Б. 80-81). Бу кўрғазмаларда маҳаллий тадбиркорлар ҳам иштирок этишиб, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишган. ”Туркестанский курьер” газетасида ёзилишича, Наманганлик бир киши Россия кўрғазмасида Америкада ишлаб чиқарилган ,буғ билан ишлайдиган плуг сотиб олган, ушбу плуг ёрдамида бир кунда 5-6 десятина ерга ишлов берилган (Тимаев К.А. Агрономическая помощь туземному населению // Туркестанский курьер. 1909, № 200;).

Бу даврга келиб Туркистонда нефт,буғ билан ишлайдиган тракторлар пайдо бўла бошлади (Е-вич. Гусеничный трактор // ТВ. 1914, № 112). Ўлка қишлоқ хўжалигига янги техникалар ва деҳқончиликдаги замонавий технологияларнинг кириб келишини Туркистоннинг тараққийпарвар зиёлилари хурсандчилик билан кутиб олганлар ва миллий матбуотларда қўллаб қувватлаганлар.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон қишлоқ хўжалигида катта трансформацион жараёнлар юз берган. Бу эса ўлканинг кейинги тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

REFERENCES

1. Аминов А.М. «Экономическое развитие средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны)» Тош. 1959 г Кн 2.
2. Балашев Н.Н. Малороспращаенные овощные культуры. – Ташкент, 1957.
3. Балашев Н.Н. Картофель и овощные культуры. – Ташкент, 1981.
4. Барбарин И. Болезнь культурных растений в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1913. – № 4.
5. Балашев Н.Н. Лучинина Е.Г. Вопросы семеноводства картофеля в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978.
6. Бродовский.М. Среднеазиатский хлопок, его недостатки и меры к устранению их // ТВ. 1874, № 4;
7. Деминов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. – М., 1926.
8. Курбатов Н.Ш. Деятельность ферганской агрономической организации в 1913 г. // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – № 4.
9. Кривошейн А.И. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Спб., 1912.
10. Мирошниченко.О. Об орудиях для землянных работ по американскому способу // Туркестанское сельское хозяйство. – 1913. – № 2.
11. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины СПб 1882.
12. Самолевский. В. Сельскохозяйственные заметки // ТВ. 1879, № 2;
13. Самолевский.В. Возделывание американского хлопчатника в Туркестанском крае // ТВ. 1888, № 39, 40;
14. Смирнова Е.Т. Заметки о возделывании американского хлопчатника // ТВ. 1891, № 28, 29, 29, 30, 31;
15. Савицкий А.П. «Поземельный вопрос в Туркестане». Ташкент. 1963г.
16. Усманов.И.У. Зарождение капиталистических отношений в сельском хозяйстве Ферганской долины (конец XIX- начале XX вв): Автореф.дисс...канд.ист.наук.Ташкент.-1983.
17. Шодмонова.С.Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Тошкент, Янги нашр. 2011.